# ХОРАЗМИЙ ВАТАНИДА

## Буюк алломанинг 1200 йиллиги шарафига тантаналар

**УРГАНЧ, 12 сентябрь. (ЎзТАГ). Хоразмнинг шаҳар ва қишлоқлари байрам либосида. Транспарантлар ва панноларда Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий номи кўп марта такрорланади. Хоразм воҳасининг меҳнаткашлари ўзларининг буюк юртдоши — машҳур қомусчи олим туғилган кунининг 1200 йиллигини тантана билан нишонламоқдалар. Унинг илмий фаолияти ва асрлар оша яшаб келаётган ижодий мероси жаҳон фанининг тараққиётига жуда катта ҳисса қўшди.**

Хоразм тантаналарга келган меҳмонларни — таниқли совет олимлари ва чет эллик олимларни, халқ маорифи ва маданияти арбобларини шодиёна кутиб олди. Меҳмонлар дунёга номи таралган ажойиб олим ва мутафаккирни камолга етказган шу қадимги диёр билан қизиқиб танишадилар. Бу ерда авайлаб сақланаётган қадимги меъморчилик дурдоналаригина эмас, шу билан бирга КПСС XXVI съезди белгилаб берган бунёдкорлик программасини матонат билан амалга ошираётган Хоразм меҳнаткашларининг бугунги кундаги зафарлари, шонли ишлари ҳам уларнинг эътиборини жалб этади.

Юбилей байрамларининг программаси кенг. Урганчда, шаҳарнинг ал-Хоразмий номи билан аталган марказий майдонларидан бирида буюк олим ҳайкали тантанали вазиятда очилди. Қизил гранитдан ўйиб ишланган алломанинг олти метрли ҳайкали авлодларнинг миннатдор хотирасини мужассамлаштирган. Ҳайкални очиш муносабати билан бўлган митингда унинг қатнашчилари Хоразмийнинг ўлмас илмий жасорати тўғрисида гапирдилар. У ўрта аср зулматидаги фаолиятида турли мамлакатлардаги илм-фан ютуқларидан баҳраманд бўлиш билан бирга жонажон Хоразмнинг моддий ҳаёти, маданий анъаналарига ҳам таяниб, сўнмас билим машъаласини ёқа билди.

Музейга айланиб қолган Хива шаҳрида ал-Хоразмийнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган катта виставка очилди. Унинг экспонатлари юбилей тантаналаригача реставрация қилинган машҳур Хива бозори яқинидаги кўҳна Оллоқулихон карвон саройида жойлаштирилди.

12 сентябрь куни Урганчда Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг 1200 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлиб ўтди. Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари М. Худойберганов мажлисда доклад қилди.

Докладда, КПССнинг XXV съезди номидаги Урганч пиллакашлик фабрикаси ишчиси Б. Бобожонова, венгриялик олим М. Миклош нутқларида ҳозирги юбилей катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Бу юбилей Ўзбекистон ва бутун мамлакат учун катта воқеа бўлиб қолмай, шу билан бирга, кенг халқаро аҳамият ҳам касб этди. Хоразм меҳнаткашлари буюк юртдоши билан фахрланадилар. Аллома шарафига ўтказилаётган тантаналар замонларнинг алоқасини, тарихий анъаналарга, халқлар босиб ўтган йўл улуғворлигига ҳурмат-эҳтиромни акс эттирди. Ал-Хоразмий даҳоси ажойиб ишлар ва зафарларда яшамоқда ва тантана қилмоқда, у бугунги кунда ҳам янги жамият қураётган, порлоқ келажак учун, инсониятнинг тараққиёти учун курашаётган кишилар билан биргадир.

Ўрта аср Шарқининг атоқли математиги ва астрономи, географи ва тарихчиси юбилейига бағишлаб 10 сентябрь куни Тошкентда очилган илмий конференция шу куни бу ерда ўз ишини давом эттирди. Совет олимлари билан бирга Германия Демократик Республикаси, Нидерландия, ГФР ва бошқа бир қанча давлатлардан келган таниқли тарихчилар, математиклар ва шарқшунослар ҳам илмий докладлар қилдилар, ахборот бердилар.

Конференция қатнашчилари турли мамлакатларда ал-Хоразмий бой илмий меросини — бутун инсониятнинг мулки бўлмиш бебаҳо бойлигини ҳар томонлама ўрганиш билан боғланган тадқиқотларнинг натижаларини ўртоқлашдилар. Хоразмийнинг олим сифатида улуғлиги аввало шуки, у фаннинг ҳаёт олға сурувчи амалий вазифаларни ҳал этувчи қудратли восита, одамлар ва халқларни бирлаштирувчи кучли маънавий қурол сифатидаги ролини тушуниб етган эди. Конференцияда ал-Хоразмийнинг ғоялари, унинг илмий асарлари келгуси авлод олимларининг ишларида ҳар томонлама ривожланиб, бугунги кунда совет фани эришган билим чўққилари сари тўғри йўл очиб бераётганлиги ҳақида гапирилди.

Юбилей тантаналарининг қатнашчилари Хонқа районидаги ал-Хоразмий номли шоликорлик совхозида бўлдилар. Деҳқонлар ўз ишлари тўғрисида, хўжаликни социал ва иқтисодий ривожлантириш планларини қандай амалга ошираётганликлари ҳақида меҳмонларга гапириб бердилар.

Тантаналарда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов иштирок этдилар.

## А. А. ГРОМИКО ВАТАНИГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

ПАРИЖ. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико амалий визити тугагач, 10 сентябрь куни Париждан жўнаб кетди.

* * *

Москвада А. А. Громикони КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. С. Горбачев, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосарлари, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).

# РЕЗЕРВЛАРДАН ТЎЛИҚ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг хабар беришича, республика саноатида маҳсулот реализация қилиш юзасидан 1983 йил январь-август ойлари плани 102 процент бажарилди, саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 1982 йилнинг январь-август ойларида эришилган даражага нисбатан 4,8 процент ўсди, меҳнат унумдорлиги 1,9 процент ошди.

Қорақалпоғистон АССР, областлар ва Тошкент шаҳар саноатида маҳсулотни реализация қилиш, ишлаб чиқариш ҳажми, меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқаришни ўстириш суръатлари юзасидан январь-август ойлари планининг бажарилишини қуйидаги маълумотлардан кўриш мумкин:

Биринчи устун — областлар, иккинчи устун — маҳсулот реализация қилиш юзасидан планнинг бажарилиш проценти, учинчи устун — ишлаб чиқариш ҳажми юзасидан планнинг бажарилиш проценти, тўртинчи устун — меҳнат унумдорлигини ўстириш юзасидан планнинг бажарилиш проценти, бешинчи устун — ишлаб чиқариш ҳажми, 1983 йилнинг январь-августида 1982 йилнинг январь-августига нисбатан, процент ҳисобида.

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **Ўзбекистон ССР** | 102 | 102 | 102 | 104,8 |
| **шу жумладан:** | | | | |
| **Қорақалпоғистон АССР** | 103 | 102 | 100,2 | 107,7 |
| **Андижон области** | 105 | 104 | 102 | 109,6 |
| **Бухоро области** | 103 | 103 | 100,1 | 102,1 |
| **Жиззах области** | 106 | 103 | 106 | 90,9 |
| **Қашқадарё области** | 101 | 100,1 | 99,0 | 114,2 |
| **Навоий области** | 100,4 | 100,2 | 102 | 113,4 |
| **Наманган области** | 105 | 104 | 104 | 102,7 |
| **Самарқанд области** | 104 | 102 | 102 | 98,7 |
| **Сурхондарё области** | 103 | 104 | 105 | 113,4 |
| **Сирдарё области** | 99,5 | 99,3 | 99,2 | 102,8 |
| **Тошкент области** | 102 | 102 | 102 | 103,8 |
| **Фарғона области** | 101 | 100,9 | 99,6 | 104,1 |
| **Хоразм области** | 104 | 104 | 104 | 103,8 |
| **Тошкент шаҳри** | 102 | 103 | 103 | 105,2 |

Республикада бир қанча корхоналар ишда ижобий натижаларга эришдилар.

Кўмир, нефть, газ қазиб олиш, компрессорлар, экскаваторлар, тракторлар, пахта териш машиналари, цемент, шифер, чиннифаянс идиш, ип-газлама ва шойи газлама, пайпоқ ва трикотаж буюмлар, чарм пойафзал, каймоғи олинмаган сут маҳсулоти ишлаб чиқариш плани ошириб бажарилди.

СССР Химия саноати министрлиги, Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш министрлиги, Қора металлургия министрлиги, Рангли металлургия министрлиги, Енгил саноат министрлиги, Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги, Уй-жой коммунал хўжалик министрлиги корхоналари маҳсулот реализация қилиш юзасидан август ойи планини бажармадилар. 61 корхона маҳсулот реализация қилиш юзасидан январь—август ойлари планини бажаришни таъминламади, бу корхоналар план топшириғида кўзда тутилганидан 79,1 миллион сўмлик кам маҳсулот реализация қилдилар. Фарғона химиявий тола заводи, Фарғона «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Хива гилам комбинати, Қоракўл пахта тозалаш заводи, Гулистон ёғ-экстракция заводи, Шаҳрисабз консерва заводи ва бошқалар шундай корхоналар жумласидандир.

Партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик ташкилотлари айрим коллективларнинг планни бажармаслик, ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш суръатлари ва меҳнат унумдорлигини пасайтириб юбориш сабабларини текшириб кўриб, уларга КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумларини, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди тарихий қарорларини амалга оширишга қаратилган давлат планлари ва социалистик мажбуриятларни бажаришда уларга зарур ёрдам беришлари керак. Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, фан ва техника тараққиётини жадаллаштириш, илғор тажрибани ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, моддий ва меҳнат ресурсларини ҳар томонлама тежаш асосида корхоналар ишининг сифат кўрсаткичларини яхшилаш чораларини кўриш, ҳар бир корхона ўн биринчи беш йилликнинг ўзак йили план ва социалистик мажбуриятларини бажариши учун шарт-шароитлар яратиш ва умуман беш йиллик топшириқларининг бажарилиши учун мустаҳкам негизни вужудга келтириш лозим.

## САНЪАТ БАЙРАМИ ТАРОНАЛАРИ

**«ТОШКЕНТ ОЛТИН КУЗИ» ИККИНЧИ БУТУНИТТИФОҚ САНЪАТ ФЕСТИВАЛИ ТАРОНАЛАРИ БУТУН ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ ЯНГРАМОҚДА**

Эзгу анъанага кўра, фестиваль қатнашчилари республиканинг ҳамма областлари ва Қорақалпоғистон АССР меҳнаткашлари ҳузурида ўз маҳоратларини намойиш қила бошладилар. Энг яхши саҳна майдонлари, маданият саройлари, клублар улар ихтиёрига бериб қўйилди.

СССР Иттифоқи Москва классик балети» давлат концерт ансамбли — РСФСРда хизмат кўрсатган артист, СССР Давлат мукофотининг лауреати Н. Касаткина ва СССР Давлат мукофоти лауреати В. Васильев раҳбарлигида Тошкентдаги В. И. Ленин номли СССР Халқлари дўстлиги саройида ўз томошаларини кўрсатади. Программада А. Хачатуряннинг «Гаянэ», А. Петровнинг «Дунёнинг яратилиши» балетлари, С. Прокофьевнинг «Ромео ва Жульетта ҳақида қисса» музикаси асосида яратилган хореография фантазияси ва бошқа томошалар бор.

— Биз бир неча йил муқаддам Васильев билан биргаликда Навоий номидаги опера ва балет театрида янги спектаклларни қўйиш устида иш олиб бордик. Шу боисдан дўстларимиз билан, қадимий ва мангу навқирон ажойиб Тошкент билан яна дийдор кўришишдан, айниқса, хурсандмиз, — деди Н. Касаткина. — Анъана тусини олган бу йилги фестиваль Ўзбекистонга биринчи марта келган ансамблнинг бутун коллективига ҳамда унинг ҳамма қатнашчиларига ижодий мулоқот учун ажойиб имконият яратиб беради, республика меҳнаткашларининг шонли ишлари билан янада яқиндан таништиради.

Томошабинлар Нукус, Бухоро, Самарқанд, Қаршида, республиканинг кўпгина бошқа шаҳар ва қишлоқларида меҳмонларнинг ҳар бир концертини қарсаклар билан кутиб олмоқдалар. Қорақалпоғистон пойтахтида дўстлик кечаси бўлиб ўтди. Абхазия АССР «Шаратин» давлат халқ рақс ансамблининг концерт программаси ана шу кечанинг безаги бўлди.

Меҳмонлар область партия комитетларида қабул қилиндилар. Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумлари тарихий қарорларини муваффақиятли амалга ошириш учун қандай курашаётганликлари тўғрисида уларга гапириб берилди.

«Тошкентнинг олтин кузи» санъат фестивали давом этмоқда. (ЎзТАГ).

# ҲАМКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

## Кеча Тошкентда ЮНЕСКО Коммуникацияни ривожлантириш халқаро программаси (КРХП) Ҳукуматлараро кенгашининг IV сессияси ўз ишини тамомлади

**«БИЗ КОММУНИКАЦИЯНИНГ ЗАМОНАВИЙ ВОСИТАЛАРИНИ ЭРКИНЛИК РАВНАҚИ ВА ЎЗАРО ИШОНЧ РИВОЖИ, ШУНИНГДЕК МИЛЛАТЛАРНИНГ ЎЗАРО ҲУРМАТИ ВА ҲАР БИР МИЛЛАТ ДОИРАСИДА УМУМИЙ СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛДИРИШ УЧУН ЎЗ КУЧ-ҒАЙРАТЛАРИМИЗНИ БИРЛАШТИРИШИМИЗ КЕРАК».**

**Амаду Махтар М'БОУ, ЮНЕСКО Бош директори.**



**ЮНЕСКОнинг Коммуникацияни ривожлантириш халқаро программаси Ҳукуматлараро кенгашининг Тошкентда бўлиб ўтган тўртинчи сессияси қатнашчилари республикамиз меҳнат аҳлининг катта ютуқларини кўздан кечирдилар. Бу муваффақиятлар чет эллик меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Суратда: сессия қатнашчилари Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозида.**

(ЎзТАГ фотохроникаси).

*Бизнинг суҳбат:*

## МУАММОНИ БИРГАЛИКДА ҲАЛ ҚИЛИШ ОСОН

Мухбиримиз КРХПнинг тўртинчи сессияси ишида қатнашган Ҳиндистон ПТИ агентлиги бош директорининг ўринбосари **П. УННИКРИШНАНГА** бир неча савол билан мурожаат қилди.



**— Жаноб Унникришнан, Ҳиндистон ЮНЕСКОнинг Коммуникацияни ривожлантириш халқаро программасида қачондан бери қатнашяпти?**

— КРХП ЮНЕСКО Бош конференциясининг қарорига биноан 1980 йилнинг кузида тузилган эди. Ҳиндистон ўшандан бери халқаро программа ишида фаол қатнашиб келяпти. Чунки оммавий ахборот воситаларини такомиллаштириш ва коммуникацияни ривожлантириш масаласи бизнинг мамлакатимиз олдида турган муаммолардан биридир. Бундай муаммони эса фақат биргаликда, умумий куч-ғайрат билангина ҳал қилиш мумкин. Ҳиндистон ахборот айирбошлаш соҳасида адолатли тартиб ўрнатиш ниҳоятда зарур, деб ҳисоблайди. Шу боисдан ҳам у Коммуникацияни ривожлантириш халқаро программаси Ҳукуматлараро кенгашининг ҳамма сессияларида мунтазам қатнашиб келяпти.

**— Ривожланаётган мамлакатларга бу соҳада Ҳиндистон қандай амалий ёрдам кўрсатяпти?**

— Мексиканинг Акапулько шаҳрида ва Парижда бўлиб ўтган аввалги сессияларга бизнинг мамлакатимиз маълум таклиф ва лойиҳалар тақдим этган эди. Тошкентда ўтган бу сессияга ҳам Ҳиндистон ривожланаётган давлатларда оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга қаратилган бир неча лойиҳалар билан келди. Бу ҳужжатлар таниш ва ишлаб чиқиш учун КРХП секретариатига тақдим этилди. Бундан ташқари мамлакатимизнинг иккита институтида Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари учун миллий кадрлар тайёрланяпти. Гарчи Ҳиндистоннинг ўзи ҳам ривожланаётган мамлакат ҳисоблanса-да, КРХП фондига икки марта 100 минг доллардан маблағ ўтказди.

**— Тошкент сессиясидан кузатилган асосий мақсад нимадан иборат?**

— Ҳозирги пайтда ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилиги ахборотни фақат қабул қиладилар. Лекин ўз ахборотларини узатишда жиддий тўсиқларга дуч келмоқдалар. Чунки собиқ мустамлакалар аслини олганда, ҳанузгача Ғарб мамлакатларига информация соҳасида қарам бўлиб қолмоқдалар. Бу мамлакатлардаги газеталар Ғарбдаги йирик ахборот агентликлари хабарлари билан тўлиб чиқмоқда, айрим мамлакатларда ахборот тарқатиш учун имконият ҳам йўқ. Коммуникацияни ривожлантириш халқаро программаси ўз олдига қўйган асосий мақсадлардан бири худди шу муаммони ҳал қилишда уларга ёрдам беришдир. Тошкент сессияси айнан шу масалани муҳокама қилди. Ривожланаётган мамлакатларга ўз коммуникация (алоқа)сини тиклаш ва миллий кадрлар тайёрлашда ёрдам бериш соҳасида сессиямиз резолюциялари келгуси ишларимиз муваффақиятига хизмат қилиши шубҳасиз...

**— Суҳбатингиз учун раҳмат!**

## БИРДАМЛИК ШИОРИ ОСТИДА



**ЮНЕСКОнинг Коммуникацияни ривожлантириш халқаро программаси Ҳукуматлараро кенгашининг тўртинчи сессиясида қатнашган Куба делегациясининг бошлиғи Энрико Гонсалес МАНЕТ мухбиримизнинг: «Сессиядан олган таассуротларингиз қандай!» деган саволига қуйидагича жавоб берди.**

— 1980 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида Белградда ЮНЕСКО Бош конференциясининг XXI сессияси қарорига биноан таъсис этилган Коммуникацияни ривожлантириш халқаро программаси навбатдаги анжуманга тўпланди.

Программа резолюциясида таъкидланганидек, КРХП коммуникацияларни ривожлантириш соҳасида ҳамкорлик қилишни кенгайтириш мақсадини кўзлайди. Коммуникацияларни вужудга келтириш ва миллий кадрлар тайёрлашда ривожланаётган мамлакатларга ёрдам бериш — сессия кун тартибидаги муҳим масалалардан биридир. Бу борада анча ишлар қилингани, жумладан КРХП ҳисобига тушаётган маблағлар кўпайиб бораётгани, аъзолик бадали тўлаётган давлатлар сафи ортаётгани, халқаро программа доирасида янги регионал ахборот агентликлари вужудга келаётгани нотиқларнинг нутқларида қайд қилинди.

Лекин коммуникация системалари ниҳоятда тараққий этган ва кўпгина ривожланаётган мамлакатларнинг оммавий ахборот воситаларини хабарлар билан тўлдириб ташлаётган «информацион империализм» давлатлари халқаро программанинг ўз йўлидан равон боришига тўсқинлик қилишга уринаётганлари ҳам сезилиб турибди. Айрим ривожланган Ғарб давлатларининг КРХПга ҳеч қандай ёрдам кўрсатмаётганини бошқача баҳолаш қийин. Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларнинг бу борадаги куч-ғайратлари таҳсинга лойиқдир.

# ҲАМЖИҲАТЛИК РУҲИДА

**КРХПнинг Тошкентда бўлиб ўтган Ҳукуматлараро кенгаши IV сессиясининг қатнашчиси бўлган бир қанча мамлакатларнинг вакиллари ТАСС — ЎзТАГ мухбирларининг илтимосига кўра шу сессия ишининг аҳамияти тўғрисида гапирдилар.**

Аргентина информация соҳасида янги халқаро тартиб ўрнатилиши тарафдоридир, деди шу мамлакат делегациясининг бошлиғи **Марио Эдуардо Коркуэра Ибаньес.** Коммуникацияни ривожлантириш халқаро программаси (КРХП) Ҳукуматлараро кенгашининг тўртинчи сессиясида бир қанча муҳим лойиҳалар тасдиқланди. Бу лойиҳалар Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги ривожланаётган давлатларда оммавий информация воситаларини вужудга келтириш ва мустаҳкамлашга ёрдам беради. Аргентина делегациясининг раҳбари КРХПнинг кўмаги туфайли Африкада шу йилнинг майидан бошлаб, Умумафрика янгиликлар агентлиги (ПАНА) ишлай бошлади, октябрь ойида эса Мексикада Лотин Америкаси мамлакатлари информация агентликларининг бирлашмаси очилади, деб мамнун бўлиб гапирди.

* * *

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари миллий маданиятларини уларга ёт Ғарб коммуникация воситалари таъсиридан ҳимоя қилиш ўз оммавий информация воситаларини ривожлантириш билан чамбарчас боғлангандир. КРХП Ҳукуматлараро кенгашининг тўртинчи сессияси ишида кузатувчи сифатида қатнашган БХР вакили **Кристо Горанов**нинг фикри ана шундайдир.

Ғарбдаги ривожланган кичик бир гуруҳ давлатлар билан Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари ўртасида коммуникация соҳасидаги жуда катта узулишни таъкидлаб, халқаро информация концернлари қароқчиларча усуллардан фойдаланиб, ривожланаётган давлатларнинг миллий суверенитетига путур етказишга интилмоқдалар, деди Горанов.

АЛАСЕИ, ОАНА, ПАНА ва бошқа регионал информация бирлашмаларининг тузилиши, деб таъкидлади у, ҳар бир мамлакатнинг реал эҳтиёжларини тўлароқ ҳисобга олиш, коммуникация соҳасида янги мустамлакачилик тенденцияларига активроқ қарши туриш имконини беради. Горанов Болгария, СССР, Венгрия ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларда ривожланаётган давлатлардан мутахассисларни ўқитиш марказлари ташкил этилганлигини уқтириб ўтди.

* * *

Габон делегациясининг бошлиғи, сессияда Африка мамлакатлари группасининг раиси **Жин Пинг** КРХП Ҳукуматлараро кенгаши IV сессиясини «ниҳоятда муваффақиятли ўтди» деди. У мажлислар чоғида Осиё, Африка, Лотин Америкасида мустақил оммавий информация ва алоқа воситаларини ривожлантириш учун биринчи даражали аҳамиятга эга 28 миллий, регионал ва регионлараро лойиҳа тасдиқланганлигини таъкидлади.

— Бугун биз янги одилона халқаро информацион тартиб ўрнатишда КРХП роли тобора салмоқли бўлиб боряпти, деб айта оламиз, — деди Пинг.

Пинг КРХП мақсадларини амалга реал ошириш хусусида тўхталиб, ПАНА информация бирлашмаси ташкил этилганлиги муҳимлигини айтди. Илк бор шу йил 25 май куни Африка мамлакатларининг овози бутун дунёга эшитилди, деб хабар қилди у.

— Қитъамиздаги барча давлатлар шу йирик информацион хизматдан катта умид тутмоқда. Бу хизмат Африкада Ғарб оммавий информация воситаларининг зўравонлигига барҳам бермоғи, ички ва халқаро ҳаётнинг энг муҳим проблемалари юзасидан қитъа мамлакатларининг ҳақиқий фикрини акс эттириб, Африка давлатларининг жарчиси бўлиб қолмоғи лозим.

* * *

— Коммуникацияни ривожлантириш халқаро программасини тўла қўллаб-қувватлаётганлигини айтиш учун делегациямиз Тошкентга келди, — деди Никарагуа делегациясининг бошлиғи **Хосе Рамон Агилар Гевара.** У таъкидлаб айтдики, ЮНЕСКО ҳомийлигида амалга оширилувчи бу программа ривожланаётган мамлакатлар учун ғоятда муҳимдир, бу мамлакатлар империалистик информацион марказлар зўравонлигидан жабр кўрмоқда. Программа миллий оммавий информация воситаларини яратиш ва мустаҳкамлашга, коммуникация соҳасида янги халқаро тартиб ўрнатишга ёрдам беради.

СССР ва бошқа дўст мамлакатлар ёрдамида мамлакатимизда янги Никарагуа агентлиги (НАН) тузилди. Бу агентлик атрофимизда Америка Қўшма Штатлари ўрнатган информацион қамални узишга имкон берди.

Никарагуа халқининг Вашингтон уюштирган куролли, иқтисодий ва идеологик агрессияни даф этишига тўғри келмоқда, деди у. Рейган маъмурияти Никарагуага қарши эълон этилмаган уруш олиб бормоқда, бу урушда хотин-қизлар, кексалар ва болалар ҳалок бўлмоқда. АҚШ «Америка овози» ҳамда Марказий разведка бошқармаси қўшни давлатларда очган бешта радиостанция ёрдамида халқимиз ва ҳукуматимизга қарши туҳмат кампаниясини авж олдириб юборди.

Тошкентдаги халқаро учрашувда Никарагуа делегацияси оммавий информация воситалари бошқа халқларга хуруж қилишда ишлатилмаслиги керак, деди. Оммавий информация воситалари бутун дунёда ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга, тинчликка хизмат қилмоғи даркор.

* * *

— Конструктив мулоқотлар аввал бошдан Коммуникацияни ривожлантириш халқаро программаси Ҳукуматлараро кенгашининг Тошкентдаги сессиясига хос бўлди, — деди ГДР делегациясининг бошлиғи **Вильгельм Вурдак.** — Ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик руҳида ўтган кенг мунозара чоғида делегациялар Ғарб давлатларининг «информацион империализм»ини енгиб ўтишига, мувозанатлашган информация айирбошлашда тенг ҳуқуқли асосда қатнашишга имкон берадиган мақбул қарорлар топишга ҳаракат қилдилар.

— КРХП олдида турган вазифаларни амалга оширишда эришилган сўзсиз муваффақиятлар билан бирга, шу программани пул билан таъминлаш масаласи кескин проблема бўлиб қолмоқда. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида оммавий информация ва коммуникация системаларининг бунёдга келиши ва такомиллашиши тобора кўпроқ маблағ, бинобарин ривожланган давлатларнинг тобора интенсив ёрдамларини тақозо этаётган бир пайтда Ғарб давлатлари қуролланишга беҳад кўп пул сарфламоқда. ГДР учун КРХПда қатнашиш — ривожланаётган давлатлар билан муносабатларда сиёсий йўлни табиий давом эттириш ва ривожлантиришдир. Шунга қатъий амал қилган ГДР ушбу сессияда республиканинг ўқув юртларида коммуникация соҳасида мутахассислар тайёрлаш учун КРХПга стипендиялар таклиф этди.

## САМАРҚАНД БИЛАН ТАНИШУВ

КРХП Ҳукуматлараро кенгаши сессиясининг қатнашчилари якшанба куни Самарқандда бўлдилар. Улар янги қурилишлар ва қадимий меъморчилик обидалари билан танишдилар. Меҳмонлар Регистон ансамблини, Шоҳи-Зиндани, Гўри Амир мақбарасини, буюк ўзбек олими Улуғбек расадхонасини кўздан кечирдилар.

Куба делегациясининг бошлиғи Энрико Гонсалес Манет ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда бундай деди:

— Самарқанд — энг ёрқин маданий ва тарихий марказлардан биридир. Улуғ Октябрдан кейин Ўзбекистонда рўй берган катта ўзгаришлар бизда зўр таассурот қолдирди. Мен ирригация каналларини, далаларни, замонавий шаҳарларни кўрдим. Ўзига хос маданият гуллаб яшамоқда. Буларнинг ҳаммаси социализм, КПСС ленинча миллий сиёсати кучининг далилидир.

КРХПнинг Тошкентдаги сессияси иши енгил бўлмади. АҚШ делегациясининг хуружларига қарамай, сессия Куба ва бошқа мамлакатлар таклиф қилган лойиҳаларни қабул қилди. Бу лойиҳалар ривожланаётган мамлакатларда радио, газета, нашриётларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун муҳим аҳамият касб этади. Тошкентда бўлиб ўтган учрашувлар халқларнинг тинчлик ва социал тараққиёт учун курашига муҳим ҳисса қўшди.

(ЎзТАГ).

